

# Фикҳ дарслари (31-дарс). Аҳком ҳадисларга оид китоблар



21:30 / 01.05.2019 4731

Фикҳга оид китоблар ичида аҳком ҳадислари ва уларнинг шарҳидан иборат китоблар ҳам бор. Бу йўналишдаги китобларнинг баъзиларида шаръий ҳукмларга доир ҳадиси шарифлар жамланган бўлса, бошқаларида улар шарҳ қилинган. Мазкур китоблар ичида маълум ва машҳур фикҳий мазҳаблар асосида ёки мазҳабга эътибор бермай ёзилганлари ҳам бор. Бу йўналишдаги китоблардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

## 1. «Мушкулул осор».

Бу китобнинг муаллифи машҳур ҳанафий олим имом Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салома ибн Салама Таҳовийдир. Ҳижрий 323 санада вафот этган.

Бу китобда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадис ва асарлар ишончли санадлар билан келтирилган. Имом Таҳовий ўзининг бу китобида осон услуб ила мазкур ривоятларнинг мушкул ерларини баён қилган ва улардан фикҳий аҳкомлар чиқарган. Уларни фикҳ бобларига тақсимлаб келтирган. Фуқаҳолар ва мазҳабларнинг хилофига эътибор бермаган.

«Мушкулул Осор»нинг муаллифи масалаларни фикҳий бобларда келтирган бўлса ҳам, бобларни фикҳий тартибда келтирмай, ҳадисларнинг келишига

қараб иш олиб борган.

## **2. «Шарҳи Мушкулул осор».**

Бу китобнинг муаллифи ҳам имом Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салома ибн Салма Аздий Таҳовийдир, яъни имом Таҳовий ўз китоблари – «Мушкулул осор»га ўзлари шарҳ ёзганлар.

Бу китобда Имом Таҳовий аҳком ҳадисларини ва ихтилофли масалаларнинг далилларини фикҳий боблар тартибида келтирган. Имом Таҳовий унда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан аҳкомлар хусусида келган ва сиртдан бир-бирига зид бўлиб кўринадиган ривоятларни олиб, носих ва мансухни, мутлақ ва муқайядни баён қилган ҳамда қай бирига амал қилиш лозим-у, қай бирига амал қилиш лозим эмаслигини кўрсатган. У киши баъзи ихтилоф қилган тарафлар ушлаб олган ривоятларни келтириб, уларнинг санади, матни ҳамда улар ҳақида саҳобалар, имомлар ва уламолар айтган гапларни зикр қилади.

«Шарҳи Мушкулул осор»ни имом Бадруддин Айний шарҳ қилган.

## **3. «Мирқотул мафотих».**

Ҳанафийларнинг бу йўналишдаги энг машҳур китобларидан бири Мулло Али Қори раҳматуллоҳи алайҳининг «Мирқотул мафотийҳ» китобидир. Бу асар имом Хатиб Табризийнинг «Мишкотул масобийҳ» номли китобига битилган шарҳдир. Мулло Али Қори раҳматуллоҳи алайҳи муқаддимада таъкидлаганидек, китобни ёзишдан асосий мақсад бошқаларнинг «Ҳанафийлар ҳадисни билмайди», деган даъволарига раддия бериш эди.

Дарҳақиқат, «Мирқотул мафотийҳ» китоби ҳанафийларнинг ҳар бир ҳукми фақат Қуръон ва ҳадисдан олганларини исбот қилган асардир.

## **4. «Насбур-роя фий таҳрийжи аҳодисил Ҳидоя».**

Бу китобнинг муаллифи машҳур ҳанафий олим Жамолуддин Абдуллоҳ ибн Юсуф Зайлаъийдир (ҳижрий 625–702 йиллар).

Китобнинг исмидан ҳам билиниб турганидек, у имом Бурҳонуддин Марғинонийнинг машҳур «Ҳидоя»сида келган ҳадисларнинг санади ва ровийларини китоблардан топиб чиқарган. Чунки «Ҳидоя»да ҳадислар санади ва ровийлари ҳамда уларни келтирган муҳаддисларнинг исмлари зикр қилинмаган. Бу нарса имом Бурҳонуддин Марғинонийнинг танқид қилинишига сабаб бўлган эди.

«Насбур-роя фий тахрийжи аҳодисил Ҳидоя»да муаллиф ҳадисларнинг тахрижи – санад, ровий ва уларни келтирган муҳаддисларни аниқлаш ила кифояланиб қолмай, уларнинг саҳиҳ, ҳасан ва заиф каби даражаларини ҳам аниқлаган. Шунингдек, ўша ҳадисларга боғлиқ ва зид бўлган ривоятларни ҳам келтирган ва бошқа бир қанча илмий хизматларни қилган.

«Насбур-роя фий тахрийжи аҳодисил Ҳидоя» нафақат ҳанафийлар, балки бошқа мазҳаблар уламолари томонидан ҳам юқори баҳоланган. Бошқа мазҳабларнинг бир қанча уламолари унга шарҳ ва таълиқлар ёзганлар.

«Насбур-роя фий тахрийжи аҳодисил Ҳидоя»дан ўртак олиб, бошқа мазҳабларнинг уламолари ҳам унга ўхшаш китоблар битганлар.

### **5. «Иҳкомул аҳком шарҳи Умдатил аҳком».**

Бу китобнинг муаллифи машҳур шофеъий олим Муҳаммад ибн Али ибн Ваҳб ибн Дақиқил Ийддир (ҳижрий 625–702 йиллар).

«Иҳкомул аҳком шарҳи Умдатил аҳком» имом Абдулғани Мақдисийнинг имом Бухорий ва имом Муслимнинг «Саҳиҳ»ларидаги аҳком ҳадислари мажмуасига ёзилган «Умдатул аҳком» номли шарҳдир.

«Иҳкомул аҳком шарҳи Умдатил аҳком»нинг муаллифи аввал ҳадиси шарифни келтиради. Сўнгра ундаги лафзларни шарҳ қилади ва фикҳий ҳукмларни баён этади. Кейин эса бошқа мазҳаб уламоларининг фикрларини келтириб, қай бири кучли эканини ҳам айтиб ўтади.

Бу китоб фикҳий боблар асосида тартибланган. Ундаги ҳадислар сони 427 тадир.

Бу йўналишдаги китоблар ичида Санъонийнинг «Субулус-Салом» ва Шавкониининг «Найлул Автор» китоблари ҳам машҳурдир.

Ҳозирда ҳам бу йўналишда баъзи китоблар бор. Мисол учун: «Манҳал ал-ҳадис фий шарҳил ҳадис».

***“Фикҳий йўналишлар ва китоблар” китобидан***